

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 60

18.08 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Бағдод туман ХТБ номидан раҳбар Д.Каримова (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи «Шухратжон» Х/К номидан раҳбар А.Сирожиiddинов (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида куйидаги максалларда тузилди.

### 1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли Бағдод тумани ХТБга қарашли 17 мактаб биносини мукамал таъмирлаш ишларини шартномага илова қилинган 08.07.2022 йил кунги №50454 сонли экспертиза хулосаси ва сметага мувофиқ мукамал таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «Буюртмачи» томонидан мукамал таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида мукамал таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» мукамал таъмирлаш ишларини 20 иш кунини тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

### 2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион ) сўмни ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

### 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30 % аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштира далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» ушбу шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишларни 20 иш кунини 2022 йил 18-август кунидан 2022 йил 10 сентябр кунига қадар бўлган муддатда тўлиқ бажаради.
- 4.2 Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хар иккиси ҳам қонуний кучга эга.
- 4.3 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
  - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиҳа ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га меърий ҳужжатлар талабига ва қондалари асосида топшириш;
  - 5.1.2 Объектга лойиҳага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
  - 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
  - 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
  - 5.1.5 Объект сугуртасини амалга ошириш ;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортикча килинган харажатлар аникланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.

5.2 «Буюртмачи»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажми топшириш;

5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;

5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиҳа даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.

6.4 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф етишдан озод етмайди.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

7.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## **8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқумат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларла юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб қўрсата олмайди.

## **9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музоқара йўли билан хал қилинади.

9.2 Агар келишмовчиликлар музоқара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба иқтисодий судида қўрилиши лозим булади.

## **10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Ушбу шартнома хар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар икала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

10.2. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини суеткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилга нишларни сифати пасайганда.

10.3. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик курилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми қийматини тўлайди.

10.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

### 11. БОШҚА ШАРТЛАР



11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва коидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

### 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

#### БУЮРТМАЧИ:

#### ПУДРАДЧИ:

Буюртмачи: Бағдод туман ХТБ	Подрядчик: "Шухратжон" Х/К
Манзили: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси	Адрес: Бағдод тумани
Тел./факс:	Телефон:
ШХР: 401722860302097092100075025	Расчет .счет: 20208000503720916001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 200 158 858	МФО: 00973
ОКОНХ: 97600	Банк: КУКОН Ш., АТ БАНКИ "УНИВЕРСАЛ БАНК" БОШ ОФИСИ
Газначилик номи: Бағдод тумани буйича газначилик булинмаси	ИНН: 202468154
Газна х/в: 23402000300100001010	Код по ОКОНХ:
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ	
МФО: 00014	
Газначилик СТИРи: 201122919	
Рахбар:  Д.Каримова	Рахбар:  А.Сиражиддинов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi – Pudrat Shartnoma.
2. Loyihaning nomi – Pudrat Shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - Bag'dod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022- yil 16-avgust kuni elektron tizim orqali kelib tushgan.

Mazkur loyihani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi.

Bag'dod tuman XTB nomidan raxbar D.Karimova (kyelgusida «Buyurtmachi» dyeb ataladi) birinchi tomon va ikkinchi “Shuxratjon” X/K nomidan raxbar A.Sirojiddinov (kyeyingi o'rinlarda «Pudratchi» dyeb ataladi) o'rtalarida Bag'dod tumani XTBga qarashli 17 maktab binosini mukammal 440 000 000 (To'rt yuz qirq million) so'mga ta'mirlash ishlarini shartnomaga ilova qilingan 08.07.2022 yil kungi №50454 sonli ekspyertiza xulosasi va smetaga muvofiq mukammal ta'mirlash ishlarini amaldagi tyexnik shartlarga rioya qilgan xolda bajarish ko'rsatilgan

Loyihaga ilova qilingan hujjatlar o'rganlib,

**XULOSA QILAMAN:**

Shartnomaga loyihasi Qonun talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Markaz boshlig'i



N.Ismoilov



ТАСДИҚЛАЙМАН

Фарсон вилоят Бағдод тумани ХТБ  
мудирі Д. Каримова

18.08.2022 йил

Бағдод тумани

Фаргона вилоят Бағдод тумани Халқ таълим бўлими томонидан 04.08.2022 йил кунги лот №22110012132747 билан 17 мактаб биносини мукаммал тамирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

### БАЁНИ № 9

**Қатнашдилар:**

Ш.Ураимов	- Мудир ўринбосари
Р.Тургунбоев	- Бош мутахассис
Н.Насрддинова	- 17 мактаб директори
О.Хайдаров	- Товар- модий қийматликлар ҳисоби бўйича гириқ рахбари
А.Абдурахмонов	- Давлат харидлари ва шартномалар бўйича бўлим бошлиғи

### Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ULUG'BEK BULDING INVEST МЧЖ
2. ШУХРАТЖОН Х/К

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи ШУХРАТЖОН Х/К хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.  
Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия ранси зиммасида қолдирилсин.

### Комиссия аъзолари

	Ш.Ураимов
	Н.Насрддинова
	Р.Тургунбоев
	О.Хайдаров
	А.Абдурахмонов



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-IV қарорига мувофиқ мақаллий бюджет либлелари ҳисобидан мусаммал таъмирлаш учун

2022 йил МАНИЛИ ДИ РЎЙХАТИ

Т/Р	Таслиф №/сн	Объектларнинг лави ва жойлашган мақоми	Таслифнинг мақоми	Тушлаган овозлар сони	Авратилган наблиг	Лойиҳа қўшниги, қўшничи ўраи	Жами қилинган қўйишлар	2022 йил учун қилинган қўйишлар лави						Буюртмачи ташкилот лави			
								Мусаммал таъмирлаш		Жорий таъмирлаш		Буюртмачи бошқа қараматлари			Буюртмачи ташкилот лави		
								Ураи	Қиймати (минг.сўм)	Ураи	Қиймати (минг.сўм)	Биринчи қиймати	Жами			ДСХ ва жерғизга қараматлари	Саноат тармақлари
1	1350400112	Бағдод тумани	"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси қолиби	2	2 722 000,0	2 190	2 722 000,0	0	0	1 808 000,0	0	894 000,0	20 000,0	0,0	20 000,0	0,0	Халқ таълими бўлими
2	1350400028	17-умумий ўрта таълим мактаби, Муҳаммад МФЙ Ёшлар қўшниги	"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси қолиби	4 979,0	902 000,0	930,0	902 000,0			450 000,0		448 000,0	4 000,0		4 000,0		Халқ таълими бўлими
3	1350400018	30-умумий ўрта таълим мактаби, Қўғоли МФЙ Болғоли қўшниги	"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси қолиби	2 257,0	920 000,0	320,0	920 000,0			450 000,0		446 000,0	4 000,0		4 000,0		Халқ таълими бўлими
										908 000,0			12 000,0		12 000,0		Халқ таълими бўлими

" К И Р И Т И Л Д И "

Бағдод тумани ҳокимлиги  
молчи бўлими мудири



" К И Р И Т И Л Д И "

Бағдод тумани халқ таълими бўлими  
мудири

